

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси



Ш.Р. Ташматов

“ ” август 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
2 – сон БАЁНИ

2025 йил “19” август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Р. Ташматов – Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, **Жамоатчилик кенгаши раиси**

Қатнашдилар:

Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

“Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳамда спортчи ва тренерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси юзасидан

(*Ташматов, Мамадалиев, ..., Ташматов*)

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш) раиси Ш.Ташматов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилаётганлиги, жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сакланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиб келинаётганлиги, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шериклик янада ривожлантирилиб, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиб келинаётганини таъкидлади.

Кенгаш раиси Ш.Ташматов ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти

институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–124-сон Фармонининг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги босқичга олиб чиққанлиги, мазкур Фармоннинг **7-бандида** фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилиши, бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ **давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда**, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкинлиги белгиланганлигини маълум қилди ҳамда “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳамда спортчи ва тренерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси кўриб чиқиш учун Кенгашга юборилганлигини таъкидлади.

Кенгаш аъзоси А.Мамадалиев сўзга чиқиб, “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳамда спортчи ва тренерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон қарорига мувофиқ Миллий олимпия ва паралимпия кўмиталари муассислигида **Спорт соҳасида ҳуқуқий кўмак маркази** ташкил этилганлиги, унинг асосий вазифалари сифатида спорт соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, спортчилар ва бошқа спорт мутахассисларига юридик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, спорт федерациялари ва бошқа спорт ташкилотларига юридик ёрдам кўрсатиш, спорт соҳасидаги низоларни арбитраж ва медиатсия орқали ҳал қилишни ташкил этиш белгиланганлигини, шунга кўра Спорт соҳасида ҳуқуқий кўмак маркази томонидан тизимли ишлар амалга ошириб келинаётганлигини, ундан ташқари Спорт вазирлиги томонидан ҳам вазирлик тизими ташкилотлари ходимларига спорт соҳасида қабул қилинаётган, ўзгартириш киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти доимий равишда тушунтириб борилаётганлигини таъкидлаб, “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасини амалга ошириш ҳамда уни молиялаштириш юзасидан шартнома тузишга эҳтиёж мавжуд эмаслигини таъкидлади.

Шундан сўнг Кенгаш раиси Ш.Ташматов “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасини овозга қўйди.

Кенгаш аъзоларининг овоз бериш якунларига кўра қуйидаги натижа қайд этилди:

Розилар – 0 нафар;

Қаршилар – 17 нафар;

Бетарафлар – 0 нафар.

Йиғилиш натижаларига кўра, кун тартибидаги масала юзасидан Кенгаш:

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотининг 2025 йил 12 август кунидаги 01/289-25-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳамда спортчи ва тренерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси муҳокама қилинган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон қарорига мувофиқ Миллий олимпия ва паралимпия кўмиталари муассислигида **Спорт соҳасида ҳуқуқий кўмак маркази** ташкил этилганлиги инobatга олиб, “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасини амалга ошириш ҳамда уни молиялаштириш юзасидан шартнома тузишга эҳтиёж мавжуд эмас деб топилсин.

Йиғилиш котиби

 **Н. Саломов**